



**ФУНДАМЕНТАЛ ВА  
КЛИНИК ТИББИЁТ  
АХБОРОТНОМАСИ**

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL  
AND CLINIC MEDICINE**

2026, №2 (22)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL  
AND CLINIC MEDICINE**  
**ФУНДАМЕНТАЛ ВА КЛИНИК  
ТИББИЁТ АХБОРОТНОМАСИ**  
**ВЕСТНИК ФУНДАМЕНТАЛЬНОЙ И  
КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по фундаментальным и клиническим  
проблемам медицины  
основан в 2022 году

Бухарским государственным медицинским институтом  
имени Абу Али ибн Сино  
выходит один раз в 2 месяца

*Главный редактор – Ш.Ж. ТЕШАЕВ*

**Редакционная коллегия:**

*С.С. Давлатов (зам. главного редактора),  
Р.Р. Баймурадов (ответственный секретарь),  
М.М. Амонов, Г.Ж. Жарилкасинова,  
А.Ш. Иноятов, Д.А. Хасанова, Е.А. Харибова,  
Ш.Т. Уроков, Б.З. Хамдамов, Ф.К. Халлоқов*

*Учредитель Бухарский государственный  
медицинский институт имени Абу Али ибн Сино*

**2026, № 2 (22)**

## Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 200100, г.  
Бухара, ул. Гиждуванская, 23.

**Телефон** (99865) 223-00-50

**Факс** (99866) 223-00-50

**Сайт** <https://bsmi.uz/journals/fundamental-ya-klinik-tibbiyot-ahborotnomasi/>

**e-mail** [baymuradovravshan@gmail.com](mailto:baymuradovravshan@gmail.com)

## О журнале

*Журнал зарегистрирован  
в Управлении печати и информации  
Бухарской области  
№ 1640 от 28 мая 2022 года.*

*Журнал внесен в список  
утвержденный приказом № 370/б  
от 8 мая 2025 года реестром ВАК  
в раздел медицинских наук.*

Отпечатано в типографии ООО  
“Шарк-Бухоро”. г. Бухара,  
ул. Узбекистон Мустакиллиги, 70/2.

## Редакционный совет:

Абдурахманов Д.Ш.	(Самарканд)
Абдурахманов М.М.	(Бухара)
Ахмедов Р.М.	(Бухара)
Баландина И.А.	(Россия)
Бахронов Ж.Ж.	(Бухара)
Бернс С.А.	(Россия)
Газиев К.У.	(Бухара)
Деев Р.В.	(Россия)
Дустова Н.К.	(Бухара)
Зокирова Н.Б.	(Ташкент)
Казакова Н.Н.	(Бухара)
Калашникова С.А.	(Россия)
Каримова Н.Н.	(Бухара)
Курбонов С.С.	(Таджикистан)
Маматов С.М.	(Кыргызстан)
Мамедов У.С.	(Бухара)
Мирзоева М.Р.	(Бухара)
Миршарапов У.М.	(Ташкент)
Набиева У.П.	(Ташкент)
Нуралиев Н.А.	(Хорезм)
Наврұзов Р.Р.	(Бухара)
Нарзиева Д.Ф.	(Бухара)
Орипов Ф.С.	(Самарканд)
Орипова Ф.Ш.	(Бухара)
Одилова Г.Р.	(Бухара)
Очилов К.Р.	(Бухара)
Раупов Ф.С.	(Бухара)
Рахмонов К.Э.	(Самарканд)
Рахметов Н.Р.	(Казахстан)
Рахматова С.Н.	(Бухара)
Султонова Л.Дж.	(Бухара)
Сайдуллаев З.Я.	(Самарканд)
Удочкина Л.А.	(Россия)
Файзиев Х.Б.	(Бухара)
Хамдамова М.Т.	(Бухара)
Хамдамов И.Б.	(Бухара)
Ходжаева Д.Т.	(Бухара)
Худойбердиев Д.К.	(Бухара)
Шодиева М.С.	(Бухара)
Эшонов О.Ш.	(Бухара)

## КИМЁВИЙ АДДИКТИВ БУЗИЛИШЛАРДА СОМАТИК КОМОРБИД ПАТОЛОГИЯЛАР ВА КОГНИТИВ ДИСФУНКЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ МУНОСАБАТЛАР

Тураев Б.Т., Алкаров Р.Б.

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд ш., Ўзбекистон

**Резюме.** Мақолада кимёвий аддиктив бузилишларда соматик коморбид патологиялар ва когнитив дисфункциялар ўртасидаги клиник-функционал муносабатлар таҳлил қилинган. Хотира, диққат, ижро этувчи функциялар ва қарор қабул қилиш қобилиятининг пасайиши психоактив моддаларнинг нейротоксик таъсири ҳамда жигар, юрак-қон томир ва эндокрин касалликлари билан боғлиқ. Соматик коморбид ҳолатлар когнитив дисфункцияларнинг оғирлашиши ва барқарорлашишига таъсир кўрсатади. Когнитив функцияларни баҳолашда МоСА ва MMSE тестлари, лаборатор-асбобий текширувлар ва комплекс терапевтик ёндашув самарали ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** кимёвий аддиктив бузилишлар, соматик коморбид патологиялар, когнитив дисфункциялар, реабилитация.

## CHEMICAL ADDICTIVE DISORDERS: CLINICAL-FUNCTIONAL RELATIONSHIPS BETWEEN SOMATIC COMORBIDITIES AND COGNITIVE DYSFUNCTIONS

Turaev B.T., Alkarov R.B.

Samarkand State Medical University, Samarkand, Uzbekistan

**Resume.** The article analyzes the clinical-functional relationships between somatic comorbidities and cognitive dysfunctions in patients with chemical addictive disorders. Impairments in memory, attention, executive functions, and decision-making are associated with the neurotoxic effects of psychoactive substances as well as liver, cardiovascular, and endocrine diseases. Somatic comorbidities contribute to the severity and persistence of cognitive dysfunctions. Assessment of cognitive functions using MoCA and MMSE tests, along with laboratory and instrumental examinations, and a comprehensive therapeutic approach are considered effective.

**Keywords:** chemical addictive disorders, somatic comorbidities, cognitive dysfunctions, rehabilitation.

## ХИМИЧЕСКИЕ АДДИКТИВНЫЕ РАССТРОЙСТВА: СОМАТИЧЕСКИЕ КОМОРБИДНЫЕ ПАТОЛОГИИ И КОГНИТИВНЫЕ ДИСФУНКЦИИ – КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ВЗАИМОСВЯЗИ

Тураев Б.Т., Алкаров Р.Б.

Самарқандский государственный медицинский университет, г. Самарқанд, Узбекистан

**Резюме.** В статье проанализированы клиничко-функциональные взаимосвязи между соматическими коморбидными патологиями и когнитивными дисфункциями у пациентов с химическими аддиктивными расстройствами. Снижение памяти, внимания, исполнительных функций и способности к принятию решений связано с нейротоксическим воздействием психоактивных веществ, а также с заболеваниями печени, сердечно-сосудистой и эндокринной систем. Соматические коморбидные состояния усугубляют и стабилизируют когнитивные нарушения. Для оценки когнитивных функций эффективно использование тестов МоСА и MMSE, лабораторно-инструментальных исследований и комплексного терапевтического подхода.

**Ключевые слова:** химические аддиктивные расстройства, соматические коморбидные патологии, когнитивные дисфункции, реабилитация.

**Кириш.** Кимёвий аддиктив бузилишлар замонавий тиббиёт ва жамоат саломатлиги учун долзарб бўлган мураккаб клиник-патогенетик ҳолатлардан бири ҳисобланади. Ушбу бузилишлар нафақат психик фаолиятнинг издан чиқиши, балки бутун организм даражасида кечадиган системали ўзгаришлар билан тавсифланади. Айниқса, марказий нерв тизими фаолиятидаги функционал ва органик ўзгаришлар билан бир қаторда турли соматик коморбид патологияларнинг шаклланиши кимёвий аддиктив бузилишларнинг клиник манзарасини янада оғирлаштиради [1].

Замонавий илмий тадқиқотларда кимёвий аддиктив бузилишлар давомида когнитив функцияларнинг - хотира, диққат, ижро этувчи функциялар, ахборотни қайта ишлаш тезлиги, фикрлашнинг когнитив мослашувчанлиги ҳамда қарор қабул қилиш қобиляти - турли даражада ва турлича клиник шаклларда пасайиши кенг ёритилмоқда. Ушбу когнитив бузилишлар беморларнинг ижтимоий мослашуви, касбий фаолияти ва даволаш-реабилитация жараёнларига риоя қилиш даражасига салбий таъсир кўрсатади [2,3]. Когнитив дисфункцияларнинг ривожланиши фақат психоактив моддаларнинг тўғридан-тўғри нейротоксик таъсири билан чекланиб қолмайди. Илмий манбаларда соматик касалликлар фонида шаклланадиган метаболик дисфункциялар, сурункали яллиғланиш жараёнлари, гипоксик ҳолатлар ҳамда нейрогуморал регуляциянинг бузилиши когнитив пасайишнинг муҳим патогенетик омиллари сифатида қайд этилмоқда. Жигар, юрак-қон томир, эндокрин ва нафас олиш тизими касалликлари билан кечувчи коморбид ҳолатларда нейрометаболик мувозанатнинг издан чиқиши марказий нерв тизимида функционал-структуравий ўзгаришларни чуқурлаштиради [4].

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кимёвий аддиктив бузилишларга чалинган беморларда соматик коморбид патологиялар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг клиник тузилиши ва оғирлик даражаси қўлланилаётган психоактив модданинг тури, истеъмол давомийлиги ҳамда беморнинг индивидуал биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда фарқ қилади. Илмий манбаларда юрак-қон томир тизими, жигар, ошқозон-ичак тракти, эндокрин ва нафас олиш тизими касалликлари мазкур беморлар контингентига юқори частота билан учраши қайд этилган [5,6].

Айниқса, алкоғолга қарамлик билан оғриган беморларда соматик асоратлар етакчи ўрин тутди. Хусусан, алкоғол гепатити, жигар циррози, дилнинг токсик кардиомиопатияси, артериал гипертензия, шунингдек, периферик нейропатиялар клиник амалиётда энг кўп учрайдиган ҳолатлар сирасига киради. Ушбу касалликлар сурункали интоксикация, оксидатив стресс, витаминлар (айниқса В-гурӯҳ витамини) етишмовчилиги ҳамда метаболик бузилишлар билан боғлиқ бўлиб, марказий нерв тизими фаолиятига салбий таъсир кўрсатади [7]. Опиоидлар ва психостимуляторларга қарам беморларда эса соматик патологиялар таркиби бироз фарқли бўлиб, улар орасида инфекция асоратлар (ВИЧ-инфекция, вирусли гепатитлар, септик ҳолатлар), оғир метаболик бузилишлар, гипоксия ҳолатлари ҳамда сурункали оғриқ синдромлари кўп қайд этилади. Бу ҳолатлар қон айланиш, тўқималарнинг кислород билан таъминланиши ва нейрометаболик жараёнларнинг издан чиқишига олиб келади [8].

Мазкур соматик касалликлар организмнинг умумий гомеостазини бузиб, марказий нерв тизимида нейрометаболик, нейродинамик ва нейрогуморал ўзгаришларни шакллантиради. Натижада нейронлар фаолиятининг пасайиши, синаптик узатилиш самарадорлигининг камайиши ҳамда нейропластик жараёнларнинг издан чиқиши кузатилади. Бу эса, ўз навбатида, когнитив функцияларнинг – хотира, диққат, ижро этувчи функциялар ва фикрлаш тезлигининг – клиник аҳамиятга эга даражада бузилишига замин яратади [9]. Кимёвий аддиктив бузилишларда когнитив дисфункциялар одатда енгил ёки ўрта даражадаги когнитив пасайиш шаклида намоён бўлади ва беморларнинг кундалик ҳаёт фаолияти, ижтимоий мослашуви ҳамда даволаш жараёнига риоя этиш қобилятига салбий таъсир кўрсатади [10]. Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, мазкур контингентда диққатнинг барқарорлиги ва концентрацияси пасайиши, ишчи хотира ҳажмининг қисқариши, ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш тезлигининг секинлашиши, шунингдек, режалаштириш, назорат қилиш ва қарор қабул қилиш билан боғлиқ ижро этувчи функцияларнинг издан чиқиши кенг тарқалган ҳолатлар сифатида қайд этилади [11]. Когнитив бузилишларнинг шаклланишида бир қатор морфофункционал механизмлар иштирок этади. Хусусан, мия қон айланишининг сурункали бузилиши, микроциркуляция даражасидаги ўзгаришлар ҳамда гипоксия ҳолатлари нейронлар фаолиятининг пасайишига олиб келади. Шу билан бирга, дофаминергик, серотонинергик ва глутаматергик нейромедиатор тизимлар мувозанатининг бузилиши синаптик узатилиш самарадорлигини камайтиради ҳамда нейрокогнитив жараёнларнинг издан чиқишига замин яратади [12].

Бундан ташқари, оксидатив стресснинг кучайиши ва сурункали яллиғланиш жараёнларининг фаоллашуви нейрон мембраналарининг шикастланиши, митохондриялар дисфункция ҳамда нейропластик жараёнларнинг сусайиши билан кечади. Ушбу патогенетик омиллар когнитив функцияларнинг барқарор пасайишига олиб келувчи муҳим механизмлар сифатида қаралади [13,14]. Айниқса, жигар ва юрак-қон томир тизими касалликлари билан бирга кечувчи кимёвий аддиктив бузилишларда когнитив пасайиш янада чуқур ва барқарор тус олади [15]. Жигар фаолиятининг издан чиқиши натижасида эндоген токсинларнинг тўпланиши ва гипераммониемия ҳолатлари ривожланиб, мия фаолиятига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади. Юрак-қон томир тизими касалликлари эса мия перфузиясининг пасайишига, сурункали ишемия ҳолатларига олиб келиб, когнитив дисфункцияларнинг оғирлашувига сабаб бўлади [16,17]. Адабиётлар маълумотларига кўра, соматик коморбид патологиялар кимёвий аддиктив бузилишларда кузатиладиган когнитив дисфункцияларнинг оғирлик да-

ражаси, клиник намоён бўлиши ва динамикасига бевосита таъсир кўрсатади. Қатор тадқиқотларда таъкидланишича, соматик касалликларнинг мавжудлиги когнитив бузилишларнинг эрта ривожланишига, уларнинг барқарорлашувига ва даволаш чораларига нисбатан резистентлигининг ортишига олиб келади [18]. Жигар функциясининг сурункали бузилиши фониди аммиак ва бошқа нейротоксик метаболитларнинг тўпланиши марказий нерв тизимига токсик таъсир кўрсатиб, гепатик энцефалопатия элементларини шакллантиради. Бу ҳолатда, айниқса, хотира, диққатнинг барқарорлиги, психомотор тезлик ҳамда фазовий-вақтли ориентация билан боғлиқ когнитив функцияларнинг пасайиши кузатилади. Ушбу жараёнлар нейромедиатор алмашинувининг бузилиши, астроцитлар фаолиятининг издан чиқиши ва мия шишиши элементлари билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади [19,20].

Юрак-қон томир тизими касалликларида, жумладан артериал гипертензия, ишемик юрак касаллиги ва сурункали юрак етишмовчилиги ҳолатларида мия перфузиясининг камайиши ҳамда сурункали церебрал ишемия ривожланиши когнитив жараёнларнинг секинлашишига олиб келади. Бу эса ахборотни қайта ишлаш тезлигининг пасайиши, ижро этувчи функцияларнинг сусайиши ва диққатнинг тез чарчаши билан намоён бўлади [21]. Эндокрин бузилишлар, хусусан қандли диабет ва метаболлик синдром шароитида, гипергликемия, инсулин резистентлиги ва дислипидемиа билан боғлиқ патогенетик механизмлар когнитив дисфункцияларни чуқурлаштиради [22]. Нейронал инсулин резистентлиги мияда энергетик алмашинувнинг издан чиқишига, синаптик пластикликнинг пасайишига олиб келса, микроциркулятор ўзгаришлар ва эндотелиал дисфункция нейронларнинг кислород ва озук моддалари билан таъминланишини чеклайди. Натижада когнитив функцияларнинг прогрессив пасайиши ривожланади [23,24]. Клиник амалиётда кимёвий аддиктив бузилишларга чалинган беморларда соматик ҳолатни комплекс баҳолаш когнитив дисфункцияларни эрта аниқлаш, уларнинг оғирлик даражасини баҳолаш ва динамикасини кузатиш имконини беради [25]. Соматик касалликларнинг ўз вақтида ташхисланиши марказий нерв тизимида ривожланадиган функционал ва морфологик ўзгаришларни олдини олишда, шунингдек, когнитив пасайишнинг чуқурлашувини чеклашда муҳим аҳамиятга эга [26]. Когнитив функцияларни баҳолашда скрининг тестлари – Montreal Cognitive Assessment (MoCA), Mini-Mental State Examination (MMSE) ва бошқа нейропсихологик шкалаларни қўллаш кенг тавсия этилади. Ушбу тестларни соматик кўрсаткичлар (лаборатор ва инструментал текширув натижалари, метаболлик ва гемодинамик параметрлар) билан уйғун ҳолда қўллаш когнитив дисфункцияларнинг патогенетик асосларини чуқурроқ англаш имконини беради. Бу эса ҳар бир бемор учун индивидуал реабилитация дастурларини ишлаб чиқишда, даволаш тактикаси ва прогнозни белгилашда муҳим аҳамиятга эга [27,28]. Комплекс терапевтик ёндашув кимёвий аддиктив бузилишларни даволашда устувор стратегия ҳисобланади. Бунда фармакологик даволаш (детоксикация, нейрометаболик ва нейропротектор воситалар, соматик касалликларни коррекция қилиш), психотерапевтик интервенциялар (когнитив-бихевиорал терапия, мотивацион интервью, психоэдукация) ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация чора-тадбирларини уйғунлаштириш асосий ўрин тутди [29].

Мазкур комплекс ёндашув когнитив функцияларни тиклаш ёки компенсация қилиш, беморнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек, ремиссиянинг барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, соматик коморбид патологияларни самарали даволаш рецидивлар хавфини камайтириш ва узок муддатли клиник натижаларни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

**Хулоса.** Кимёвий аддиктив бузилишлар нафақат психик фаолиятни, балки соматик тизимларни ҳам бузади ва шу орқали когнитив функцияларнинг турли даражада пасайишига олиб келади. Соматик коморбид патологиялар когнитив дисфункцияларнинг оғирлашиши ва барқарорлашишига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис клиник амалиётда беморларнинг соматик ва когнитив ҳолатини комплекс баҳолаш, скрининг тестлари ва лаборатор-асбобий текширувларни уйғун ҳолда қўллаш, индивидуал реабилитация ва комплекс терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай интеграцияланган ёндашув когнитив функцияларни тиклаш, ижтимоий мослашув ва ремиссия барқарорлигини оширишда самарали ҳисобланади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Aleksandrovna K. O. et al. Clinical and psychological characteristics of patients with alcoholism with suicidal behavior //Science and Innovation. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 399-404.
2. Anatolyevna S. Y. et al. Suicide prevention in adolescents with mental disorders //Science and Innovation. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 303-308.
3. Antsiborov S. et al. Association of dopaminergic receptors of peripheral blood lymphocytes with a risk of developing antipsychotic extrapyramidal diseases //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 29-35.
4. Borisova Y. et al. Concomitant mental disorders and social functioning of adults with high

functioning autism/asperger syndrome //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 36-41.

5. Habibullayevich S. S. et al. Depression and post-traumatic stress disorder in patients with alcoholism after the covid-19 pandemic //Science and Innovation. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 420-429.

6. Hazratovich K. Z. et al. The degree of adaptation to psychogenic effects in social life in patients with psychogenic asthma //Science and Innovation. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 295-302.

7. Holdorovna I. M., Murodullayevich K. R., Temirpulotovich T. B. Problems of consciousness disorder in modern psychiatry //Journal of healthcare and life-science research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 20-27.

8. Ibragimova M., Turayev B., Shernazarov F. Features of the state of mind of students of medical and non-medical specialties //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D10. – С. 179-183.

9. Ivanovich N. A. et al. Alcohol dependence and manifestation of autoaggressive behavior in patients of different types //Science and Innovation. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 413-419.

10. Lapasovich B. S., Usmanovich O. U., Temirpulotovich T. B. Алкоголизмга чалинган беморларда турли дори воситаларни суиистеъ-мол қилишининг клиник хусусиятлари //Journal of biomedicine and practice. – 2023. – Т. 8. – №. 4.

11. Murodullayevich K. R., Holdorovna I. M., Temirpulotovich T. B. The effect of exogenous factors on the clinical course of paranoid schizophrenia //Journal of healthcare and life-science research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 28-34.

12. Nikolaevich R. A. et al. Diagnosis of depressive and suicidal spectrum disorders in students of a secondary special education institution //Science and Innovation. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 309-315.

13. Novikovich A. S. et al. Experience with the use of memantine in the treatment of cognitive disorders //Science and Innovation. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 282-288.

14. Ochilov U. et al. The main forms of aggressive manifestations in the clinic of mental disorders of children and adolescents and factors affecting their occurrence //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 42-48.

15. Rotanov A. et al. Social, socio-cultural and behavioral risk factors for the spread of hiv infection //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 49-55.

16. Sedenkova M. et al. Basic principles of organizing gerontopsychiatric assistance and their advantages //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 63-69.

17. Sedenkova M. et al. Features of primary and secondary cognitive functions characteristic of dementia with delirium //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 56-62.

18. Solovyova Y. et al. Protective-adaptive complexes with codependency //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 70-75.

19. Spirkina M. et al. Integrated approach to correcting neurocognitive defects in schizophrenia //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 76-81.

20. Temirpulotovich T. B. Effects of social factors in children with anxiety-phobic disorders //Journal of healthcare and life-science research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 35-41.

21. Temirpulotovich T. B. Somatoform variant post-traumatic stress disorder //Journal of healthcare and life-science research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 45-52.

22. Turayev B. T., Ochilov U. U., Kubayev R. M. Distribution of anxiety and depression in affective disorders of somatized depression //International medical scientific journal. – 2015. – С. 60.

23. Usmonovich O. U., Temirpulotovich T. B. The influence of the presence of mentally ill children in the family on the psyche of parents //Journal of education, ethics and value. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 68-75.

24. Viktorova N. et al. Formation of rehabilitation motivation in the conditions of the medical and rehabilitation department of a psychiatric hospital //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 82-89.

25. Viktorova N. et al. Opportunities for comprehensive psychometric assessment of anxiety states in late-age dementia //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 90-96.

26. Vladimirovna L. A. et al. Psychosomatic relationships in different age groups in patients with facial dermatosis //Science and Innovation. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 289-294.

27. Xushvaktova D., Turayev B., Shernazarov F. Clinical features of mental disorders in synthetic drug users //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D10. – С. 242-247.

**Иқтибос учун:** Тураев Б.Т., Алқаров Р.Б. Кимёвий аддиктив бузилишларда соматик коморбид патологиялар ва когнитив дисфункциялар ўртасидаги клиник-функционал муносабатлар // *Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси*. – 2026. – № 2(22). – Б. 224–227. doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.18629773>